

Самарқандда банк муассасаларига ўзгача ҳурмат-эҳтиром билан қарашади. Банкларни элнинг юртининг хазинаси, оддий фуқаролару тадбиркорлар қавмининг мададкори, суянчи, деб билишади. АТ «Пахта-банк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ана шундай эътибор ва эъзога сазовор бўлган молия муассасаларидандир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Эл ишончини қозонишининг, одамлар банкни ўзлари учун суянч ва мададкор деб билишларининг омиллари нимадан иборат?

Меҳнат қилган — элда азиз. Заковатли меҳнат эса барака келтиради. Самарқандлик «Пахта-банк»чилар, энг аввало, ўзларининг ақлу идрокларига, тадбиркорлигига ишондилар, ишлаш ва ишлашидан чарнамайдилар. Қолаверса, мамлакатимизда банк соҳасида олиб борилаётган ислохотлар уларга куч-қувват бағишмоқда. Президентнинг Фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳдумасининг

САВОБ ИШНИНГ ЗИЙНАТИ

миз мумкин. Хусусан, банкнинг умумий активлари, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 39,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йил 1 январига келиб, 60,6 млрд. сўмга

Жумладан, Жомбой туманидаги "Жакфа Агро Мир" МЧЖга банкнинг Жомбой филиали томонидан ажратилган кредит эвазига макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси олиб берилди. Натيجада 30 нафар ёш ишли бўлди. Бир йил давомида корхона томонидан 100,0 млн. сўмлик макарон маҳсулотлари тайёрланди.

Пахтачи туманидаги «Рунтик Пахтачи» МЧЖга банкнинг Зиевуддин филиали томонидан ажратилган кредит эвазига ёнча қайта ишлаш ва экстракция қилиш ускунаси харид қилинди. 50 нафар ишчининг фаол меҳнати туфайли йил давомида 600,0 млн. сўмдан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ургут туманидаги "Ургут яшил олтини" МЧЖ жамоаси ўз олдида шифер ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган эди. "Ниятининг — йўлдошининг" деб беҳуда айтмайдилар. "Пахта-банк"дан берилган кредит ҳисобидан жамиятда 300 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шу йилнинг ўзидек корхонада 10,5 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишни яхши таш-

Бошқарма ва унинг жойлардаги филиаллари, айниқса, хотин-қизлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бераётдилар. Чунки, ўтган йили вилоятдаги 300 дан зиёд аёл тадбиркорга Ўзбекистон

Банк ва миждоз

тон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида 600 млн. сўмдан ортик микрокредитлар ажратилди.

АТ «Пахта-банк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси шу йил кўклам олдида яна бир хайрли ишга қўл урди. Банк дехқон хўжалиқларига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари сотиб олишга микрокредитлар ажратмоқда. Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорда бўлиб, сабза-

вот ва картошка уруғлари сотиб олиш учун 2 йил муддатга, кўчат сотиб олиш учун 5 йил муддатга берилди. Сабзавот, картошка уруғлари ва мева кўчатлари сотиб олиш учун "Даргом" ишлаб чиқариш участкаси, "Орифен" қўша корхонаси ҳамда "Сабзавот-навуруғлари" МЧЖ каби ташкилот-

млрд. сўм маблағ жалб қилиниб, терминаллар орқали 16,0 млрд. сўм савдо айланмалари амалга оширилди.

Ўшар — бизнинг келажагимиз. Уларга бугун кўрсатилаётган ғам-хўрлик истиқбол учун қўйилган ул-

трафонинг, "Zenit electronics" ва «Стеклогластик» каби уй ҳўҳўзлари, радио ва электроника асбоб-ускуналари ва маиший буюмлар олиб берилди.

Кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида «Пахта-банк» йирик молиявий воситачи сифатида, бир томондан, аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватламоқда, иккинчи томондан, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам молиявий мадад бермоқда. (4-Жадвал)

АТ «Пахта-банк»и ўтган йили Лондоннинг "The Banker" журналы томонидан республикамизнинг энг яхши банки сифатида эътироф этилди. Бу эътироф замирида «Пахта-банк»чиларнинг қанчалик машаққатли меҳнатлари, ақл-заковати, тадбиркорлиги, фаол меҳнат маҳсули етганлигини ҳамма ҳам билмавермайди. "Микрокредитлар



қарорлари, молия муассасаларига оид қонуналар улар учун дастуриламал бўлмоқда. Ана шу сабаб-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, банкнинг жамланма капиталы 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 6,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йил 1 январда 10,7 млрд. сўмга етди ёки йил бошидагига нисбатан 155,0 фоиз ўсди. Бу кўрсаткичларга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори уларга кўл-қанот бўлди. (1-Жадвал)

Бундай ўсиш кўрсаткичларини, аниқроғи, жамоанинги фаол меҳнат самарасини банк активлари тизимининг юксалишида ҳам кўриши-

етди. Ёки 153,4 фоизга кўпайди. (2-Жадвал)

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш кўп жиҳатдан корхоналар, умуман, ишлаб чиқариш тизими молиявий қувватининг барқарорлигига боғлиқдир. Ушбу барқарорликни таъминлашда бошқарма ҳам ўз кредитлари билан фаол қатнашмоқда. 2007 йил давомида банк томонидан берилган кредитлар 171 фоизга ўсиб, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 44,0 млрд. сўмни ташкил қилгани бунинг тасдиғидир.

Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга яхшиланаиб бораётганини



сўмга етди ёки 136,3 фоизга ошди. (3-Жадвал)

Чакана савдо ҳамда хизматлар соҳаси объектлари, автомобилларга ёнилиги қўйиш шохобчалари ва аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа шохобчаларда жами 187 та терминал ўрнатилиб, аҳолига 60,0 миңдан зиёдроқ пластик картонкалар тарқатилган. Ўтган йил давомида пластик картонкаларга 20,0

эмас, банк миждоз учун» шиори остида иш юритаётган банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси ҳам эл ишончини қозониш йўлида фаол тер тўқмоқда, ҳукуматимиз томонидан қўйилган талаб ва вазифаларни сидқидилдан адо этиш учун курашмоқда. Ёнг муҳими, улар ўз меҳнатлари самараси эл бахт-саодати, Ватан тарққиёти учун хизмат қилишини яхши англайдилар. Эҳтимол, улар камтарин хизматлари билан миллатимизнинг саховат ва савоб дастурини тўлдирётганлигини ўзлари билмаслар ҳам. Машойихлар айтмиши, "Ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг билмасин". "Ҳойнаҳой, мақталмаган савоб — зийнат, кўз-кўз қилинган иш эса миннат бўлади", деб бежиз айтилмаган.

Эсирап БОЛИЕВ. 1

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙўЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2007-2008 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсим қилишга киришди.

Вазирликлар, концернлар, вилоятлар ва туманлар ҳокимиятлари, автосаноат, автотранспорт ва автотехнизама корхоналари, автйўл ташкилотлари, касб-ҳунар коллежлари ва махсус автомактаблар раҳбарларидан, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлиналари ва шунингдек, замонавий билимларга эга бўлган, компьютер технологияларини мукаммал ўрганган, хар томонлама фаол битирувчиларимизга эҳтибжи бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарларидан, буюртмаларини 700060, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 20-уй манзилга, ёки 232-14-39 факсга, ёки tad@edu.uz электрон почтамаизга, контакт реквизитларини кўрсатган ҳолда юборишини сўраймиз.

Эътиборингизга битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қиламиз: (Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)

БАКАЛАВРЛАР

Таълим йўналишлари	Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																													
	Жами		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Республикаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм	
	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
Менежмент	21	36	-	1	-	1	-	3	15	3	3	-	1	-	1	2	1	-	2	2	1	-	4	6	3	3	3	1	1	
Иқтисод	11	33	-	-	-	-	-	2	21	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3	4	-	2	2	1	2	
Маркетинг	15	17	-	-	-	1	1	11	11	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	
Бионалар ва иншоотлар қурилиши (транспорт)	25	38	-	1	4	3	-	1	9	17	5	9	-	-	2	-	2	-	2	-	2	-	2	2	-	1	1	1	1	
Ер усти транспорт тизимлари (ЕУТТ)	48	91	4	4	1	4	2	4	16	22	7	16	-	2	-	1	1	-	2	9	2	6	7	11	-	2	5	9	-	
Транспорт воситаларини ишлаш ва таъмирлаш (ТВИТ)	56	121	7	10	1	6	1	2	27	32	4	29	2	2	-	-	-	-	2	11	2	5	10	8	1	-	2	9	7	
Касбга ўқитиш (ЕУТТ)	15	25	-	1	1	-	-	-	3	4	1	11	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	8	8	-	-	-	-	1	
Касбга ўқитиш (ТВИТ)	19	28	1	1	-	1	-	-	5	5	1	8	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	6	2	-	-	-	3	5	
Электротехника, электромеханика ва электротехнология	14	14	-	-	2	-	-	-	3	6	2	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	3	1	1	1	1	1	
Трансформатор ва муҳофазаси	12	20	1	-	3	1	-	-	2	9	1	5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	1	-	1	2	1	
Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (автйўллар)	7	10	2	-	-	-	-	-	3	5	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Технологик машиналар ва ҳижозлар	7	13	-	1	1	-	-	-	2	6	3	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Жами:	250	446	16	19	13	18	6	8	76	153	29	92	2	5	2	5	3	4	10	24	9	16	45	46	5	11	20	32	14	13

МАГИСТРЛАР

Магистратура мутахассислиги	Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари																													
	Жами		Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қорақалпоғистон Республикаси		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм	
	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
Менежмент (транспорт)	4	9	-	-	-	-	-	-	1	7	3	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Маркетинг	3	7	-	-	-	-	-	-	1	5	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Автомобиллар	2	10	-	-	-	-	-	-	1	4	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Кўтариш, ташини машиналари	2	6	-	-	-	-	-	-	1	3	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Транспортда ташини ташкил этиш ва бошқариш	2	2	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Харакатланиш хавфсизлиги ва уни ташкил этиш	2	2	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги	2	2	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Ички ёнур двигателларни синаш ва улардан фойдаланиш	1	2	1	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Автомобиллар ва тракторларнинг электр жиҳозлари	1	1	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Автомобиль йўллари ва аэродромлар	3	4	-	-	-	-	-	-	2	1	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Кўприклар ва транспорт тоннеллари	1	8	-	-	-	-	-	-	1	7	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Касб-ҳунар ўқитиш фанларининг методикаси (ТВИТ)	2	7	-	-	-	-	-	-	1	6	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Химмотология	1	4	-	-	-	-	-	-	1	3	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Автосервис	2	5	-	-	-	-	-	-	2	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Халқаро юк ташини	1	4	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
Жами:	29	74	1	2	-	-	-	-	15	41	8	15	-	3	-	2	1	-	-	3	1	-	-	4	1	-	2	3	-	

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази тақдим этган лойиҳа Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан эълон қилинган танловда ғолиб деб топилиб, 90 миң евро миқдордаги грант билан тақдирланадиган бўлди.

ШИФОХОНАГА ХОРИЖ ГРАНТИ

Шартномага мувофиқ, шифо марказига УЗИ, эндоскоп, компьютерли ЭКГ каби тиббиёт асбоб-ускуналари акратилади. Бу тиббий техника воситалари мўқобилларидан сифати анча юқорилиги билан ажралиб туради. Улар кўмағида даволашнинг янги усуллари қўллаш, аниқ ташхис қўйиш, беморларга малакали хизмат к

ЭНГ ГУЛЛАГАН

ЧОҒИМДА

Ўлкамизда баҳор. Юртимиз узра уйғониш айёмининг нафаси ҳукмрон. Умрнинг бебаҳо ва беқийс палласи — ёшлик ҳам зангор фаслга, унинг таровати, шижоати, фусункорлиги ҳам умр баҳорига мейгзалади. Бинобарин, бугун мамлакатимиз ёшлари учун, уларнинг эртанги истиқболини ўйлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар навқирон авлод қалбидоғи эзгу орзуларга қанот бўлмоқда.



Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, уздуксиз таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва бошқа соҳаларда таълим муассасалари томонидан тайёрланган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан шу йилнинг 29 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Юртимизнинг турли гушаларида яшаб, мустиқил ҳаётга интилиш баробарида Ватан равнақиға бел боғлаган йигит-қизларимизнинг азму шижоатиға ҳавас қиласан киши. Зеро, уларнинг орасидан Рустам Қосимжоновга ўхшаган эзгу, Юлдаз Ҳамроқуллова сингари оқила, Аббос Атоевдек қучли, Гулрух Шокирова каби мустиқашунос, спортчи, билимдон ва заковатли ёшлар етишиб чиқаётди. «Ёшлар йили» муносабати билан яна эътибориниға ҳавола этилаётган «Энг гуллаган ёшлик чоғимда» саҳифасида эса ана шундай истиқлол фарзандларининг беғубор ниёти истаклари, самимий дил изҳорлари, турли жаҳадаги ислохотларга оид фикр-мушоҳадалари берилди.

Ватан

Кўҳна чопон илиб, бўз белбоғ боғлаб,
Ўзбек ўзбек бўлади бола кўчоқлаб.
Кафтдоғи кўзёшдай зўрға жон сақлаб
Ўтмишлардан келган бир эҳсонимган.

Анор гул ташласа ўпанг тўлар, эл,
Насибанг сўрасанг кўдан келар, эл,
Аммо ризқ тупроғин ўпанг бўлар эл,
Кўкка сано айтган тупроқ-қумингман.

Меҳрга сўралмас ҳеч қандай тасдиқ,
Турганда кўнглингда иймондай тасдиқ.
Бемор кулгусидай умидоҳим, тасдиқ
Ҳар чечак юзида табассумингман.

Атиргул баргини сирдош билган ким?
Ё шовир, ё ҳофиз, ё аҳли илм.
Уларга термулиб қолганимда жим,
Ватан, жоним садақ, содиқ ўзингман.
Носиржон Жўраев.

Ёшлик — умр баҳори, дейдилар. Жуда тоғиб айтилган-да! Аҳамият берсангиз, табиатнинг яратувчанлиги кўнглингда рўй берганидек, инсоннинг бунёдкорлик кучи айна ёшликда жўш уради. Бунга истоганча мисол келтириш мумкин. Ёшларнинг интилишлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиб турса, уларнинг шижоати янада ошиб кетаркан. Бунга ўз фаолиятим мисолида амин бўлаётганим учун айтяпман.

Фермерлигимдан фахрланаман

Фермерман. Моддий бойликлар яратувчиси эканлигимдан фахрланаман. Тасаруфимда 164 бош қорамол, 121 гектар ер бор. Ҳўжалиқда деҳқончилик қилиб, чорвачиликни соф фойда билан яқунладик. Бундан ташқари, 60 тонна деҳқончилик қилди. «МТЗ-80.1» русумли трактор харид қилдик.

Бўйилги режаларимиз ҳам улкан. 53 гектар ердаги галла майдонимиздан 60 центнердан ошириб ҳосил олиш ниятида меҳнат қилаямиз. Шаҳар аҳолисиға ойига 500 килограмдан арзон баҳода гўшт етказиб беришни йил охиригача давом эттираман.

Илҳом Жўраев, Оқдўғорон туманидаги «Илҳом» фермер ҳўжалиги раҳбари.

26 ёшга тўлдим. Ҳали кўп нарсани ўрганишим керак. Биз, ёшларга бу борада ҳам ёрдам берилаётгани билим ва кўникмаларимизни бойитиш борабариде фаолиятимизни янада ривожлантиришда бош омили бўлмоқда. Масалан, ўтган йил

Олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, мудатли харбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни бутун комплексини ҳал этиш «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кечагина ҳаяжон ила олий ўқув юртига ўқишга кириш таррадуида юргандим. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетининг битирувчи босқичида таълим оляпман. Ўтган вақт давомида меҳнатларим эвазига қўллаб ютуқларни кўла қиритдим. Масалан, Мирзо Улугбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлдим.

ИМКОН БИЗНИКИ

Йили пайтада ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасига сабаб бўлувчи «Helicobacter pylori» номли бактериянинг хусусиятларини ўрганилган. Агар бактериянинг келиб чиқиши, кўпайиши ва тарқалиши жараёнини яхшилаб ўрганса, унга қарши кураш чорасини ҳам топиш мумкин. Бу эса минглаб одамларни оғир хасталикдан сақлаб қолиши демакдир.

Умуман олганда, шу пайтгача кам ўрганилган бу мавзу устида иш бошлаганим менга омад келтирди. Ўтган йилнинг март ойида Япониянинг «Сумитомо-Корпорейшн» стипендиясига сазовор бўлдим. Август ойида эса университет раҳбарияти тавсияси билан махсус танловда қатнашиб, ундан муваффақиятли ўтганим учун Варшава университетиде уч ҳафта амалиёт ўтаб қайтдим. У ерда университет олимлари, ўқитувчилари билан яқиндан танишдим. Илмий изланишларимга қизиқиш билдирган билан яқиндан танишдим. Илмий изланишларимга қизиқиш билдирган билан яқиндан танишдим. Илмий изланишларимга қизиқиш билдирган билан яқиндан танишдим.

Мен, ёш бир ўзбек қизи, истиқлол сабаб, Президентимизнинг ёшларга оталарча эътибори тўғрисида ҳақдорлик билан муассасалар ва олимлар билан ҳамкорлик қилмоқдаман. Илм йўлида мана шундай эркин ва ҳеч қандай тўсиқларсиз изланиш, интилишимга яраша рағбатни ҳам ҳис қилиш бахтиға муассарман.

Мадина РАСУЛОВА,
ЎЗМУ талабаси.

«Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришяётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз»

ҲОРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТИ

Мустиқиллик ва ёшлар тушунчаси ўзаро бир-бирига уйғун. Айнан истиқлол йилларида жамиятимиздаги ўзгаришлар сабаб, биз учун улкан имкониятлар эшиги очилди.

Хорижликлар ҳайрати

арқамол, соғлом авлодни тарбиялаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ва оширилатган кенг қўламли ислохотлар ҳақида ҳар қанча гапирсангиз. Доимий равишда биз, ёшлар ўз ҳаётимизда, кундалик турмушимизда қўриб, англаб-сезиб турибмиз.

2008 йилнинг юртимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги тенгдошларимизнинг турли соҳаларда орзу-умидларини рўёбга чиқаришлари учун берилган яна бир эътибор, имкониятдир. Қолаверса, бу ёш авлод вақиллари истиқболига қаратилган изчил ислохотларнинг узвий давоми, деб биламиз. Ёшлар бугун иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этимоқда. Давлатимиз томонидан билдирилётган ишонч, қолаверса, ўзимизни амалда намойиш этишимиз учун майдон кенгайтирилгани бизга гуруҳ ва мамнуният бағишлаб, масъулиятни ҳис этиган ҳолда бугунимиз ва келажакимизга дахлдорлик туйғуси билан яшаш вазифаларини юклайди. Ўзбек ёшлари қобилиятда, илму салиҳиятда жаҳондаги ҳеч бир тенгдошларидан кам эмас, кам бўлмайдик ҳам.

Яқинда ойида жаҳон орқали «Ўзбегим ёшлари» санъаткор гуруҳи фаолиятини намойиш этишди. Гуруҳ аъзоларининг Бельгия, Италия, Малайзияға қилган сафарлари, миллий санъатимиз ва урф-одатларимизни намойиш этиб, чет элликларни лол қолдиришганини қўриб, тўғриси, кўнглим ифтихорға тўлди. Уларнинг бугун вужуди билан «Омон ёр», «Ушайди-ку», «Лағзи» каби лапару қўшиқларимизни қўйлаб, рақс тушишлари ёшларимиз иқтидорини яна бир бор намойиш этди. Айниқса, гуруҳ аъзоси — бир йилгитнинг перулик санъаткорға жаҳон мумтоз асарларидан саналмиш машҳур қўшиқни айтишни ўргатганлиги, қизларимиздан эса анджонча рақсимизни хорик ёшлари қизиқиб ўрганишаётганини мени жуда ҳам қувонтирди. Бу мисолни шунчаки таъсирланганим учун айтмайман. Илҳом бўлса, телевидео ва матбуот орқали ана шундай кўрсатув ва мақолалар мунтазам бериб борилса, бошқа ёшларимиз ҳам ундан ўрнак олишига, янаям яхши бўларди. Чўки бугунги ёшлар ютуқлари кўлга киритишяпти, жаҳонга чиқишмоқда, деган гаплар ана шундай далил ва исботи, аниқ мисоллари билан тақдим этилса, менимча, бу ҳеч кимни берафқ қолдирмайди. Ўз ўрнида ёшларимиз кўлга киритаётган ютуқлар, албатта, минглаб тенгдошларимизға яхши маънода ўрнак ва сабоқ бўлади.

Ортиқўжа НОРОВ,
ЎЗДЖТУ магистранти.

Пойтахтдан бошланган парвоз

Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган IV Халқаро замонавий санъат биеналесиде қатнашдим. Дунёнинг 33 мамлакатидан 150 дан зиёд ижодкор ўз асарлари билан иштирок этган мазкур нуфузли кўргазмада грециялик санъатшунослар «Консервация» номли лойиҳани юқори баҳоладилар. Унда санъат асарлари орқали экологияни асраш, кўлгуси авлодларға етказиш масаласини ифодалагандим. Айнан шу лойиҳам сабаб 2009 йили Грецияда бўлиб ўтадиган халқаро биеналеге таклиф қилишди.

Биринчи бор шундай нуфузли тадбирда қатнашши, боа устиға дунё танитган рассомлар эътирофиға сазовор бўлишни катта бахт, деб тушунаман. Менға қулиб боққан бу омад ютуқларимнинг бошланғичи. Келажакда бундан ҳам залворлироқ муваффақиятларни кўлга киритишға ишонаман.

Санжар ЖАББОРОВ,
IV Халқаро Тошкент замонавий санъат биеналеси совриндори.



— Марҳамат, сумалақдан тоғиб кўринг. Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Талабанинг китоби

Бугунги ёшларнинг интилувчанлиги, илмға чанқоқлигини қўриб қувонасан, киши. Феруза Мадрохимова ҳам ана шундай иқтидорли ёшлардан бири. У Урганч Давлат университетининг «Миллий истиқлол гоёси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналишида таълим олмақда. Университетнинг «Нотиклар клуби» ҳамда «Талабалар илмий жамияти» фаол аъзоси.

Талабалик, ёшлиқнинг ҳар лаҳзасидан оқилонга фойдаланган Феруза доимо изланиб, янгиликка интилади. У 2006 йили Маъмур Академиясининг 1000 йиллигиға бағишлаб ўтказилган «Хоразм Маъмур Академияси ва жаҳон фани равнақи» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда қатнашди. Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар фаолияти ҳақидаги маърузаси эътибор билан тинланди. Шу орқали иқтидорли талаба кўлаб таниқли олимлар назаарига тушди. Феруза 2007-2008 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Феруза рус ва инглиз тилларини чуқур ўзлаштирган. Бу эса унинг фанларға оид чет эл адабиётлари билан танишиб, жаҳон илм-фанидеги энг сўнгги маълумотларға эға бўлишида асқотяпти.

— Изланишларим амалиётда сезиларли самара беришини истайман, — дейди Феруза. — Бугунги замон ҳаммаша янгиликни талаб этади. Илмий тадқиқотларим ҳали кашф этилмаган жиҳатларни қамраб олиши керак, деган фикрда изланиш олиб бораман. Шунинг учун ҳам кўпинча Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлимида бўламан. У ердаги илмий адабиётлар, даврий нашрлар таҳламлилар, интернет каби қулайликлар олиб бораётган тадқиқотларимда қўл келди.

Шу кунларда Феруза «Хуқуқий маъёрларни амалга

Изланиш

ошириш ва шарҳлаш муаммолари» мавзусиға бағишланган илмий-тадқиқот устида иш олиб бормоқда.

— Яқинда устозим — педагогика фанлари номзоди, доцент Н.Маҳмудова билан ҳамкорликда «Педагогика ва маънавият асослари» номли ўқув услубий қўланмани тайёрладик. Айни пайтада ушбу қўланма наشر қилиниш арафасида турибди, — дейди у.

Ҳа, Ферузанинг келажакдаги режалари янада катта. У аъло ўқиши, илм-фан йўлидаги изланишлари, ҳар жаҳада фаолиги билан ўзига билдирилган ишончға муносиб бўлиш ниятида.

Солиязон РАҲИМБЕРГАНОВА,
журналист.

«Муголаа жону дилим»

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг бололиги ёрқин хотираларға тўла.

Бобоси Мусони 1911 йилда эски мактабға олиб берди. Мактаб деганлари биттагина кенг хонадан иборат эди. Ўқувчилар ерга, бўйранинг устида чордана қўриб ўтирарди. Танаффус маҳали болалар тўполон қилишар, бундай пайтада синфхона ичи чангта тўларди.

У тенгдошлари орасида китобға меҳр кўйганлиги билан ажралиб турар, сабабини сўрашса, «Муголаа жону дилим» деб жавоб берарди. Балки, бобоси уни шунинг учун ҳам айрича меҳр ила яхши кўргандир.

Маҳалладаги чойхоналар бола Ойбекнинг тез-тез бориб турадиган маскани бўлган. Боиси, у ерға қариялар йиғилар, ўтмишнинг қизиқ воқеаларини айтишарди. Уларнинг ичида Бобораҳим Машрабнинг ғазалини куйға солиб айтдиғанлари ҳам бор эди.

Мусо бололиқнинг ўнқир-чўнқир кўчаларидан кўп юрди. Чайир, миктидан келган, сочлари жингалакка мойил бу бола келажакда ўзбек халқининг улғу адиби бўлади, деб кўм ўйлабди дейсиз, ўшанда.

Маҳалладаги чойхоналар бола Ойбекнинг тез-тез бориб турадиган маскани бўлган. Боиси, у ерға қариялар йиғилар, ўтмишнинг қизиқ воқеаларини айтишарди. Уларнинг ичида Бобораҳим Машрабнинг ғазалини куйға солиб айтдиғанлари ҳам бор эди.

Мусо бололиқнинг ўнқир-чўнқир кўчаларидан кўп юрди. Чайир, миктидан келган, сочлари жингалакка мойил бу бола келажакда ўзбек халқининг улғу адиби бўлади, деб кўм ўйлабди дейсиз, ўшанда.

Юртимизда сўнгги ўн йил мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида 100дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятиға эға бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўриқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.50

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — М. Қолмағова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусахҳаҳ — Ш. Машраббоев.

Топширилди — 1.30 1 2 3 4 5 6 7 8